80693

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи 10 сўм.

1993 йил 5 июнь, шанба

№ 103 (21.454).)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги 1993 йил 23 апрель фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармасининг низоми тасдиқлансин.

2. Жамғарма ташкилот комитетининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилот комитети икки ҳафта муддатда:

жамғарма низомномасини ишлаб чиқсин ва жамғарма қатнашчилари конференциясида қабул қилсин;

жамғарма бошқаруви ва маъмуриятини тузсин.

3. Қуйидаги ишларга ҳар томонлама кўмаклашиш «Соғлом авлод учун» жамғармасининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

туғруққа кўмаклашувчи ва болалар муассасаларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоблар билан жиҳозлаш, янги самарали муолажа воситалари билан таъминлаш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ишини ташкил этишда фаол иштирок этсин. Шу йил 1 июлга қадар жамғарма ҳамда унинг республика барча минтақаларидаги филиалларини ташкил этишда ҳамда уларнинг фаолиятида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари, педиатрия илмий тадқиқот институти, акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтининг иштирокига доир таклифларни ишлаб чиқсин.

5. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 1 миллиард сўм ажратилсин. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат комитетлари, концернлари, корхоналари, ҳўжаликлари ва ташкилотлари жамғармаларнинг низомдаги вазифаларини бажаришга доир фаолиятига амалий ёрдам берсинлар. Бу иш ҳар бир вақтда ва ижрочининг ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблансин.

6. Республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари муҳим аҳамиятга моликлигини ва жамғармаларнинг юксак ижтимоий мақомини эътиборга олиб, жамғарма филиалларини ташкил этишга ва фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарларининг фахрли вазифаси деб ҳисоблансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, жамғарма ўз низомида кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларга тўла мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича:

ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир;

солиқлар, давлат, божхона тўловлари ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа йиғимларни тўлашдан озод этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги шундай жамғармалар ва бошқа турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, ЮНИСЕФ, Қизил хоч, БМТ миссияси ва бошқа халқаро ваколатхоналар билан битимлар тузишда «Соғлом авлод учун» жамғармасига ҳар томонлама ёрдам берсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари жамғарма минтақа филиалларини меъёрий фаолиятини таъминлаш учун 1 ой муддат ичида шарт-шароит яратиб берсинлар. Тошкент шаҳар ҳокимияти шу муддат ичида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг бошқарувига бино ажратиб берсин.

10. «Тошкентшаҳарйўловчитранс» уюшмаси жамғарма маъмуриятини шартнома асосида ҳизмат автотранспорти билан таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги эса жамғарма талабномасига биноан шаҳар ва ҳукумат алоқа воситаси билан таъминласин.

11. «Ўзбекшартномасавдо» ва республиканинг бошқа ихтисослашган савдо-таъминот ташкилотлари «Соғлом авлод учун» жамғармасига зарур анжомлар ва мебель ажратиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқсин.

12. Оммавий ахборот воситалари «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини кенг ёритсин, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижобий тажрибани тарғиб қилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

1993 йил 3 июнь.
Тошкент шаҳри.



ЭЛ РАҲМАТИНИ ОЛГАНЛАР

Фарғона вилояти Боғдод туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида яшовчи Меҳнат Қаҳрамони Сайидазим Тўхтасинов ва унинг умр йўлдоши қаҳрамон она Бозорхон ая Тўхтасиновалар номларини ҳамқишлоқлари доим ҳурмат билан тилга оладилар. Бунинг боиси бор, албатта. Дунёда шундай одамлар борки, улар бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий ҳаёт кечирадилар. Фарзанд тарбиялайдилар. Энг муҳими шуки ана шундай кишиларнинг фарзандлари кўпинча буюк ишларни амалга оширадилар. Жуда бўлмаса халққа ўз ҳалол меҳнатлари билан хизмат қиладилар ва шу билан ўз ота-оналарига эл раҳматини эшиттирадилар. Сайидазим ота ва Бозорхон аялар 11 нафар фарзанд ва 50 дан ортиқ невараю чеварани оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишган. Бугунги кунда уларнинг фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида шифокору ўқитувчи, агроному ҳайдовчи, зоотехнигу ҳамширагача бор.

СУРАТДА: Сайидазим ота ва Бозорхон ая Тўхтасиновлар.

У. ҚУШВОҚОВ
олган сурат.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 3 ИЮНДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ ТАРКИБИ

Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташкилот комитетининг раиси.

Каримов Ш. И. — соғлиқни сақлаш вазири, ташкилот комитети раисининг ўринбосари.

Йўлдошева Г. Б. — Тошкент вилояти ҳокимлиги ижтимоий таъминот бошқармаси оналик ва болалик масалалари бўйича маслаҳатчиси, ташкилот комитетининг котиби.

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Азимов У. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси.

Асадов Д. А. — Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг директори.

Абдуллаева А. Й. — Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Марказий комитетининг раиси.

Бекназова М. Ф. — Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

Воҳидова Ў. Т. — Республика Қизил ярим ой жамиятининг раиси.

Ғуломова Д. Ғ. — Республика маслаҳат-ташхис марказининг директори.

Жабборова Ю. Қ. — Тошкент давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири.

Жуманиёзов М. Ж. — Хоразм вилоятининг ҳокими.

Задорожная Р. А. — Давлат истиқболини белгилаш ва статистика комитети соғлиқни сақлашни мўлжаллаш бўлимининг бошлиғи.

Эшмуҳамедов Ш. Э. — «Ўзсармоябанк» бошқарувчиси.

Иброҳимова Г. Б. — «8-март» санаторийсининг бош шифокори.

Зиёева М. А. — «Она ва бола» марказининг бош шифокори.

Каримова Д. Ф. — Шифокорлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири.

Маҳмудов О. С. — Педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори.

Матёқубова Г. А. — ёзувчи (Қорақалпоғистон).

Маҳмудова Н. М. — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири.

Мадиёров Т. М. — «Ким Пен Хва» халқ корпорациясининг бош директори.

Маҳаматқулова М. Р. — 10-туғруқхона бош шифокори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Пикулина Е. В. — Шифокорлар малакасини ошириш институти неонатология кафедрасининг мудири.

Раҳимов Б. Р. — Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

Расулов М. М. — Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби.

Раҳмонов А. В. — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма комитетининг раиси.

Солиев Э.-Н. — «Дўстсардор» компаниясининг раиси.

Савельева И. А. — Республика болалар руҳий-асаб касалликлари диспансерининг бош шифокори.

Сегедин В. А. — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори.

Тошпўлатов А. Т. — «Юлдуз» фирмасининг директори.

Тўрақулов Ё. Х. — Ўлка медицинаси илмий тадқиқот институтининг директори, академик.

Тўлаганова М. — Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари.

Умарова З. С. — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири.

Умрзоқов Б. Ҳ. — ижтимоий таъминот вазири.

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳрининг ҳокими.

Ҳабибуллаев А. Ш. — Давлат табиатни маҳофаза қилиш комитетининг раиси.

Ҳўжаев А. М. — Тошкент шаҳар кенгаши депутатлик комиссиясининг раиси, «Ўзбекфильм» ижара корхонасининг бош директори.

Хлебушкина А. П. — Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори.

Худойбердиева Ҳ. У. — «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ҳотин-қизлар комитетининг раиси.

Хикматулин Р. Н. — «Туркистон» фирмасининг директори.

Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири.

Шарипов А. М. — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош педиатри.

Ёрқулов А. Б. — соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари.

• *Долзарб мавзуда*

Нега шундай йўл тутдик?

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон, шунингдек, собиқ Иттифоқ ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар олдида жуда муҳим уч муаммони ҳал этиш масаласи кўндаланг бўлди. Ушбу муаммоларнинг биринчиси — жамиятда демократик тамойилларни шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш. Иккинчиси — истиқлолга эришиш, миллий давлат барпо этиш ва уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш. Учинчиси — халқ турмуш даражасининг пасайишига йўл қўймаслик. Бу вазифалар ўта нозик сиёсат юргизишни талаб этади. Уларнинг ҳар бир ҳалқасидаги мувозанат ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сақланиши лозим.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли шаклланди. Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш — мазкур йўлнинг бош бўғини десак, хато қилмаймиз. Ўзбекистон МДҲ доирасида ўз аҳолисини тирикчилик неъматлари билан белгиланган меъёрда таъминлаб келаётган ягона давлатдир. Бошқаларда таъминот кўрсаткичи 13 фоиздан 70 фоизгача бажарилган, холос. Бозори энг арзон мамлакат ҳам (кўз тегмасин!) ҳозирча Ўзбекистондир. Хўш, бу нисбий маъмурчиликнинг боиси нимада? Нега 1993 йил 1 июндан бошлаб нарх-наво ва ижтимоий сиёсатда ўзгаришлар рўй берди?

Биринчи саволга матбуот орқали озми-кўпми жавоб берилди. Шундай бўлса-да, ушбу масаланинг баъзи бир хусусиятларига тўхталмоқчимиз.

Маълумки, ўз вақтида Рижковнинг иқтисодий ислоҳотлар дастури қабул қилинмади. ГКЧП маглубиятга учраганидан кейин Гайдар ҳукумати «шок терапияси» деб ном олган ислоҳот йўлига ўтди. Бу «ислаҳот»нинг биринчи шарти — нарх-навони эркин қўйиб юбориш эди. Монополистик ишлаб чиқариш ҳукмрон бўлгани учун бу тадбир ўзини оқламади — аҳолининг аксарият қисми ижтимоий ҳимоядан четда қолди.

Россиянинг собиқ Иттифоқ иқтисодиётидаги улуши 65-70 фоиз, Украинаники 10—12 фоиз, Ўзбекистонники 5,5—6 фоиз, қолган республикаларники 1,5—4 фоизни ташкил этар эди. Имкониятлар тенг бўлмагани боис, табиийки, бундай ўзгаришлар собиқ Иттифоқ таркибидаги давлатларнинг иқтисодий аҳволига бевосита таъсир этди.

Ёдингизда бўлса керак, Россия ҳукумати 1991 йилнинг ноябридан нарх-наво жиловини қўйиб юборди. Нарх кескин ошди. Бу зарба азобини барча собиқ иттифоқдош жумҳуриятлар бошидан ўтказди. Фожиали воқеалар келиб чиқди.

Рубль зонасидаги республикалар нарх-наво сиёсатини Россияга мослаштирдилар. Ўзбекистонда эса бошқача йўл тутилди. Аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун ўта зарур маҳсулотларга қатъий нарх белгилаб қўйилди ва талон ёрдамида сотиладиган бўлди. Нархларнинг айрим қисми шартнома асосида белгиланса, қолганлари эркинлаштирилди. Даромад ва нарх-навони индексациялаш йўли кўлланди, вақти-вақти билан улар ўртасидаги тафовут юмшатиб турилди. Аҳоли турмуш даражасининг пасайишига йўл қўйилмади.

Бу ҳол қарийб бир ярим йил давом этди. Аммо, 1993 йилнинг май ойига келиб вазият яна ўзгарди. МДҲ доирасидаги мавжуд шартнома ва битимларга қарамасдан, нарх-наво ўйини кучайди. У баъзи бир давлат раҳбарлари учун сиёсий ва иқтисодий тажовуз қуролига айланди.

Халқаро ҳуқуқий меъёрлар талаби бўйича, ўз пулини жорий этган давлат муомаладан чиқариладиган пулни банкка қайтариши, уни акт тузиб йўқ қилиши, иқтисодий алоқада бўлган давлатлар билан ҳисоб-китобини тўғрилаб олиши шарт. Қирғизистон Республикаси раҳбарияти ана шу шартларга амал қилмади. Натижада аҳоли қўлидаги ва энди кераксиз бўлиб қолган 40 миллиард рубль кўшни давлатлар иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар бўлиб қолди.

Хуллас, кейинги беш ой давомида Ўзбекистон билан МДҲнинг бошқа давлатларидаги нарх-навода тафовут суръати анчагина тезлашди. Биргина мисол: 1993 йилнинг бошида Ўзбекистонда нон нархи Қозоғистонга нисбатан 1,3, Қирғизистонга нисбатан 1,4, Россияга қараганда 5 карра арзон бўлса май ойида бу фарқ тегишинча — 1,4, 1,6 ё бараварни ташкил этди. Туркманистонда 1 килограмм мол гўштининг харид нархи 860 сўм, қўй гўштиники эса 800 сўм бўлса, ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда 1993 йил 1 июндан бошлабгина тегишли равишда 393,6 ва 325,6 сўм этиб белгиланди.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай нарх-наво тафовути шароитида рубль зонасида турган Ўзбекистон бозорини маъмурий йўл билан ҳимоя қилиш ниҳоят даражада мушкул бўлиб қолди. Чунки, нарх-наво қаерда баланд бўлса, товар ҳам шу томонга қараб йўл олаверади. Бу иқтисодий қонуният бўлиб, уни тўхтатиш осон эмас.

1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харид нархларини ошириш, аҳолига белгиланган меъёрда сотиладиган озиқ-овқат молларининг нархларини ўзгартириш жумҳурият бозорини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган тадбирдир.

Тўғри, бу тадбир бирмунча кутилмаган ҳол бўлди. Ҳеч ким 100 сўмлик молни 200 ёки 300 сўмга сотиб олишни истамайди, албатта. Аммо, харид нархларимизни МДҲдаги баҳолар даражасига етказмасак, қўлимизда борини ҳам олдириб қўямиз. Шундай қилиш керакки, Ўзбекистонда иш ҳақи, нафақа, пенсия ва бошқа тўловлар қиймати, пулнинг харид қуввати МДҲ давлатларидагига нисбатан устун бўлсин. Шунда чегарани биз эмас, бошқалар қўриқлайдиган бўлади. 1993 йил 1 июндан амалга оширила бошлаган тадбирларда ана шу мақсад кўзда тутилган. Ишонамизки, бу ўзининг ижобий натижасини беради.

Акбар ТЎРАЕВ,
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ БОШҚАРУВИ, ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, «МИКОНД» ВА ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ» КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИ АҲОЛИСИГА, САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли маҳалладошлар, ҳамкасблар!

Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдаги муштарак муваффақиятимиз кўп жиҳатдан республика энергия билан нечоғли таъминланганлигига боғлиқдир. Электр энергия ёрдамида дастгоҳлар ва ускуналар, насос станциялари ҳаракатга келади. Энергия — уйимиздаги иссиқлик ва ёруғлик демакдир. Керакли миқдорда электр энергия ишлаб чиқариш, уни истеъмолчиларга етказиб бериш корхоналарнинг бир меъёрда ишлаши, ишлаб чиқариш суръатлари ортишининг гаровидир.

Республика электр станциялари халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун ҳар куни етарли даражада — 140 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилмоқда. Бунинг учун кунига 5 минг тонна мазут ва 10 минг тонна кўмир сарфланмоқда. Маълумки, мазут нархи 1300 баравар, кўмир нархи 1000 баравар ошди.

Ёқилғи нархининг ортиши билан электр энергияси таннархи ҳам кўтарилмоқда, бу эса корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархига ҳам таъсир қилмоқда. Мамлакатимизда маҳсулот тайёрлаш учун ривожланган давлатлардагига нисбатан 10 баравар кўп энергия сарфланмоқда. Шу боис маҳсулот ҳам қимматга тушмоқда.

Энергияни тежаб-тергаб сарфлаш йўли билан нархнавонинг янада ўсиши йўлига ғов солиш мумкин. Ёқилғи қиммат, айни вақтда камёбдир. Бизга уни етказиб берадиган давлатларда ёқилғи қазиб олиш камаймоқда. Бу эса республикамизда электр энергия ҳосил қилиш даражасига таъсир этмай қолмайди. Электр энергия етказиб беришда чеклашга йўл қўймасликнинг асосий омили — энергияни тежашдир.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортмоқда. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд» ва Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари ва бошқа бир қанча корхоналар шулар жумласидандир. Эндиликда электр энергиясига эҳтиёж ҳамма ерда ортиб кетиши аён бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон энергетикасининг ҳозирги аҳволи эса барчамизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Эҳтиёжни тўла-тўкис қондиришнинг бирдан-бир йўли ҳосил қилинаётган электр энергиясини тежаб-тергаш ва асраб-авайлаб сарфлашдан иборатдир.

Саноат корхоналари электр энергиясининг 50 фоизини ишлатади. Ҳар бир корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига энергия солиштирма сарфини 1 фоиз камайтирса, йилига 200 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Бундай имконият барча корхона ва ташкилотларда бор. Электр ускуналарининг беҳуда ишлатилишига барҳам бериш, иш тугагандан кейин ва танаффус пайтида чироқларни ўчириб қўйиш, кўчаларни фақат зарур вақтда ёритиш ва реклама қурилмаларини мўлжалдаги пайтлардагина ишлатиш керак.

Аҳоли ҳар йили 5 миллиард киловатт-соат электр энергия сарфламоқда. Шунча миқдордаги энергияни ҳосил қилиш учун 180 минг тонна мазут ва 360 минг тонна кўмир керак бўлади.

Ҳозир аҳолига электр энергия унинг таннархига нисбатан 5 баравар арзон сотилмоқда. Ҳар бир оила бир кеча-кундузда атиги 1 соатгина зарур бўлмаган 100 ваттли лампочкани ўчириб қўйса, йилига 146 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади. Бошқача қилиб айтганда, бу бутун республикани бир кеча-кундуз давомида электр энергия билан таъминлашга етади. Шу тариқа 5 минг тонна мазут ва 10 минг тонна кўмир тежалади.

Умидвормизки, ёқилғи муаммосини тўла англаган республика аҳолиси электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлайди. Аксарият меҳнаткашлар шундай қилмоқда. Лекин энергияни хўжасизларча сарфлаётган, уни ўғирлаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Энергияни совуриш, уни беҳуда сарфлаш охир оқибатда оиланинг моддий аҳволига, корхона ва ташкилотлар бюджетига, умуман, энергетика тармоғига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биз мустақил Ўзбекистоннинг барча фуқароларига мурожаат қиламиз. Ҳар биримиз республика ёқилғи-энергетика мустақиллигини мустаҳкамлашга улушимизни қўшишимиз лозим. Ишлаб чиқаришда ва рўзғорда электр энергияси беҳуда сарфланишига чек қўяйлик, ресурсларни асраб-авайлайлик. Электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳаммамизнинг фуқаролик бурчимиз, она юртга меҳр-муҳаббатимиз ифодасидир.

ФАОЛЛИК КЎРСАТИШ —БУРЧ

Озод Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасини яратишда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг нуқтаи назарини ишлаб чиқишга оид масала биринчи бўлиб Юнусобод тумани партия кенгашининг пленумида муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси якунлари, Ўзбекистон ХДП Юнусобод тумани бошланғич ташкилотларининг миллий истиқлол мафкурасини яратиш борасидаги вазифаларига бағишланган бу пленумда республика «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ғуломмаҳмудов маъруза қилди.

Нотиқ ва сўзга чиққанлар миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда барчанинг фаол иштирок этиши муҳим бурч эканлигини алоҳида таъкидладилар. Халқ ноиблари, ташкилот, корхона ва олийгоҳларнинг раҳбарлари ҳамда ХДП бошланғич ташкилотларининг котиблари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Н. ИБРОҲИМОВА.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатининг мавзуи ана шундай

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси снёсий ва иқтисодий мустақилликка эришибгина қолмасдан, маънавий мустақилликни таъминлашга ҳам интиляпти. Ана шу оламшумул тарихий вазифани бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов томонидан олға сурилган миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш ғояси ғоят катта аҳамиятга эгадир. Президентимиз аднблар билан бўлиб ўтган учрашувда бу олдимизда турган энг муҳим масала эканлигини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу мафкуранинг асосий қоидаларини қшлаб чиқиш ишига фаол қўшилди.

Илгари хабар қилганимиздек, яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида миллий истиқлол мафкураси муаммоларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмиталарининг раҳбарлари, таниқли олимлар, адиблар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ суҳбатни бошлаб бераркан, биз эски мафкурадан воз кечган эканмиз, миллий истиқлолимизга жавоб берадиган янги мафкура яратишимиз ва ҳаётга татбиқ этишимиз зарурлигини алоҳида уқтирди. Ғоявий соҳада бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Яратиладиган янги мафкура халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланиб келган маънавий, руҳий, аҳлоқий фазилатларини янада бойитишга хизмат қилмоғи даркор. Ана шу миллий истиқлол мафкураси қандай бўлиши тўғрисида халқ нонблари, олим ва адиблар, партия фаолларн ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.



Акмал САИДОВ,

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори:

— Мен сўзимни атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг машҳур шеъридаги ушбу сатрлар билан бошламоқчиман. **«Билиб қўйки, сени Ватан кутади...».** Чунки фикримча, ватанпарварлик — миллий истиқлол мафкурасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Умуман олганда эса, бу мафкурада қуйидагилар мужассамлашиши мақсадга мувофиқ бўларди:

биринчидан — мустақиллик ҳис-туйғуси ва уни тўла идрок этиш;

иккинчидан — ўзбек миллий мафкураси;

учинчидан — кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ватанпарварлиги;

тўртинчидан — жамиятда оиланинг устиворлиги;

бешинчидан — қонунга итоатгўйлик, интизом ва тартиб.

Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда биз Шарқда қадимдан мавжуд бўлган хамсачилик анъаналаримиз мурожаат этишимиз ҳам фойдадан холи эмас. Маълумки, Шарқнинг энг буюк алломалари «Хамса» яратиб халқимиз маънавиятини бойитиб кетганлар. Бу «Хамса»ларда қомусий билимлар ўз ифодасини топибгина қолмасдан, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний фазилатлар ҳам мужассамлашган. Таъбир жоиз бўлса, мен мафкурани маънавият гулшанига қиёслаган бўлар эдим. Муҳтарам Президентимиз, партиямиз Раиси Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **«Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам»**дир. Шундай экан биз маънавий тикланиш ва покланиш орқали миллий истиқлол мафкурамизни яратишимиз мумкин.


Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русм, удум ва анъаналари, ғурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк аждодларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бой маданий меросидан фойдаланиш миллий истиқлол мафкурасини шакл-шамойилларини яратиш учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Миллий истиқлол мафкурасида ватанпарварлик асосий ўринни эгаллаши табиийдир. Бу мафкура том маънода халқ мафкураси, яъни Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, руслар, украинлар, хуллас, республикамизни ўзининг жонажон Ватани деб билган Ўзбекистоннинг фуқароси эканлигидан ғурурланадиган барча миллатлар вакилларининг мафкураси бўлиши керак, деган фикрдаман.

Миллий истиқлол мафкурасида оилага алоҳида аҳамият берилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Қадимдан Шарқда биринчи ўринга оила, унинг манфаатлари қўйилган. Бу қадриятларимизни эъзозлаш, халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, қонунга ҳурмат, итоатгўйлик миллий истиқлол мафкурасида муҳим ўрин эгаллаши лозим. Миллий истиқлол мафкураси ҳар қандай партиявий мафкуралардан устун бўлиши зарур. Зеро, у ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари — имон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат қадриятлари ва ғояларини мужассамлаштиришга ишончимиз комил.

Шундай мафкурагина турли сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар, олиму-муҳандислар, ишчию-деҳқонлар, барча ватанпарвар фуқароларнинг дунёқарашини, ғояларини, кечинмаларини якдиллик, ҳамжиҳатлик нуқтаи назарига келтириш имконини беради.



Бектош РАҲИМОВ,

республика Фахрийлар уюшмаси ташкилотлари кенгашининг раиси:

— Президентимиз бугунги кунда маънавий инқироздан чиқиш иқтисодий тангликни бартараф этишдан ҳам муҳимроқ вазифа эканлигини бежиз таъкидламаяптилар. Мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун онгли равишда қатъий кураш олиб борган тақдирдагина олдимизга қўйилган мақсадларнинг уддасидан чиқамиз.

Миллий истиқлол мафкурасини яратиш тўғрисида гап очган эканмиз, мен аввало яқин ўтмишимиздаги ҳамма нарсадан ҳам воз кечавериш тўғри бўлмасди, деб айтмоқчиман. Юртимизда 40-йилларнинг бошларидаги воқеаларнинг шахсан шоҳиди бўлганман. Ўшанда ўспирин ёшларимизда ватанпарварлик туйғуси шу қадар кучли эдики, улар ҳатто ёшларини катта кўрсатиб, фронтга боришга интилардилар.

Уруш фахрийларимиздаги ватанпарварлик ҳис-туйғуларини ёшларга ўргатиш муқаддас вазифалардан бири, деб ўйлайман. Бу масалада биз ҳаммамиз, фикримча, муҳтарам Президентимиздан намуна олишимиз керак. Ғалаба куни арафасида уруш қатнашчиларига, ҳалок бўлган ҳарбийлар оилалари, байналмилалчи жангчиларга кўрсатилган мурувват барча фахрийларимизни чексиз тўлқинлантириб юборди. Бу ерда гап иқтисодий танглик пайтида ажратилган катта маблағдагина эмас. Бу Ватан ҳимоячиларининг фидойиликларига берилган юксак баҳо намунасидир.

Биздаги маълумотларга қараганда, иккинчи жаҳон уруши даврида юртимизнинг 500 минг нафар ўғлони Ватан, деб жонини фидо қилди. Улар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига «Хотира китоби»ни нашр этиб, урушда шаҳид бўлганларни номма-ном эслашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Миллий истиқлол мафкурасини яратишда ёшларимизга халқимизга хос бўлган хислат — меҳнатсеварликни сингдиришнинг аҳамияти каттадир. Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишилар рағбатлантирилиши, энг аввало, маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши зарур. Биз фуқароларимизда меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантирмасдан ҳозирги инқироздан чиқишимиз осон бўлмайди.



Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши халқаро ишлар қўмитасининг раиси:

— Биз яратмоқчи бўлган миллий истиқлол мафкураси шундай пойдевор устида бунёд этилиши керакки, уни сел ҳам, бўрон ҳам, зилзила ҳам йиқита олмасин. Ўзи халқимизнинг ана шундай бақувват маънавий пойдевори бор. Бу унинг узоқ тарихга эга қадриятларидир. Илм эгаллаш, фозилларга ҳурмат — халқимизнинг ана шу азалий фазилатларидан бири, деб ўйлайман. Афсуски, сўнгги пайтларда маънавиятимизнинг бу жиҳатига эътибор сусайган кўринади. Аксҳолда олий ўқув юртлари талабаларининг машғулотларида суст қатнашишини қандай баҳолаш мумкин? Ахир фарзандларимиз замонавий илм соҳиблари бўлмасалар келажаги буюк давлат қуришимиз ширин орзу бўлиб қолмайдими?

Тарбия масалалари ҳақида гап кетганда жамиятда оиланинг мавқеини тиклаш ва улуғлаш заруратини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтмайди. Бола оилада яхши тарбияланмаса, мактаб ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам бунинг уддасидан чиқишлари мушкул. Шу боисдан, айниқса, жамиятимизда оналар обрўсини оширишга эътибор кучайтирилиши керак. Хотин-қизларимиз замонавий билимларни эгаллабгина қолмасдан, энг юксак маданият соҳибалари ҳам бўлишлари керак.

Ўзбекистонда кўп миллатли маданият ривожланиб бораётганлигини ижобий ҳол, деб баҳолайман. Турли халқлар маданияти ўзбек маданиятини бойитишга хизмат қилади. Биз жаҳон халқлари яратган дурдоналардан, албатта, баҳраманд бўлишимиз керак.

Миллий истиқлол мафкурасини яратишда турли партия ва ҳаракатлар, ташкилотлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари турган гап. Лекин бу мафкура лойиҳалари қанча бўлмасин, улар негизига ягона мақсад — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилиши керак.



Эркин ХАЛИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари:

— Қонунга ҳурмат, унга итоат қилиш ҳуқуқий давлат фуқароларининг асосий фазилатидир. Бу миллий истиқлол мафкурамизда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди, деган фикрдаман.

Совет даврида жамиятда қонунга беписандлик ҳолларига дуч келдик. Бу амалдаги қонун меъёрлари жамиятдаги ахлоқ мезонларидан анча узоқлиги оқибати ҳамдир. Шундай экан, биз халқимизнинг миллий анъаналарига, қадриятларига хос ва яқин бўлган меъёрлардан қонуншуносликда кенг фойдаланишимиз лозим. Мисол учун, маҳалладаги анъаналарни олиб кўрайлик. Маҳалла азалдан юртимизда фақат ўз-ўзини бошқариш тизими бўлибгина қолмасдан, балки катта тарбиявий воситани ўтаб келган. Шу сабабли маҳалла ўз ҳудудида яшовчи фуқаролар учун масъулликни зиммасига олган.



Нозима ДЕҲҚОНХЎЖАЕВА,

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг замбуруғлар ва протозой касалликлари республика илмий маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Ҳозир қондан жуда кўп касалликлар чиқаяпти. Шулардан бири республикамизда кенг тарқалган замбуруғ касали бўлиб, у шундай бир муттаҳам касаллик эканки, ҳар бир қон таначаси ичига ўтириб, кўпайиб. қонни ичдан емириб боради. Бу касаллик шу қадар кўп тарқалиб кетдики, ҳар бир учинчи бола, ҳар бир ўнинчи катта одам унга дучор бўлмоқда. Касаллик қирқ икки хил шаклда ўтади. Мен йигирма йилдан бери шу касалликни ўрганиб келаяпман. Ўзбекистоннинг буюк келажагини, унинг миллий истиқлол мафкурасини яратишимиз учун бизга соғлом халқ, соғлом ёш авлод керак. Ў нафақат жисмонан кучли, балки ақлан ва маънан теран ҳам бўлиши керак.

Мен алоҳида айтаётган касаллик эса миллатимиз ирсияти (генофони) билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бунга катта эътибор беришимиз лозим. Америка Қўшма Штатларида мана шу замбуруғ касалликларини 284 та муассасада ўрганишади. Бизнинг замбуруғлар ва протозой касалликлар илмий текшириш марказимиз эса атиги бир ярим йилдан бери фаолият кўрсатаяпти. Олдинги даврда эса шахсий ташаббуслар асосида ишлаганмиз. Шунга қарамасдан бу кунга келиб биз бу касаллик борасида жаҳон аҳамиятига молик бўлган икки кашфиёт яратишга эришдик. Фаолиятимизни янада юқори даражага олиб чиқиш, халқимиз хизматига қўйиш, қолаверса, жаҳон даражасига олиб чиқиш учун катта вазифаларни режалаштириб қўйганмиз. Ўйлайманки, ҳукуматимиз бизга шунга яраша имкониятларни яратиб беради.



Сергей ЗИНИН,


Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:

— Ҳал қилиниши лозим бўлган яна битта муаммо бор. Мен «Ўзбекистон халқи» деган конституциявий тушунчамизни назарда тутяпман. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча фуқаролар миллати, диний эътиқоди, тили, ижтимоий мавқеидан қатъи назар халқдир, дейилади Конституцияда. Бу ерда ҳаммаси оддий бўлиб кўринсада кўплаб мураккабликлар бор. Мен буни шунинг учун гапиряпманки, биз халқ тушунчасидан келиб чиқиб, ватанпарварликни кўп миллатли сифатида белгилаймиз. Биз истаймизми, йўқми, битта ўзбек миллати ва Ўзбекистон ҳудудида турли миллий гуруҳлар мавжудлиги ҳолида ватанпарварликнинг, афтидан, умумий ва ўзига хос таърифи бўлса керак. Биринчидан, бу тушунча ўтган йиллар давомида катта авлод вакилларигагина эмас, айни пайтда анча ёшроқ авлод намояндаларига ҳам таъсир ўтказди.

Иккинчидан, миллий ўзўзини англаш нуқтаи назаридан, ватанпарварлик тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар бор. Ҳозир асосий миллатнинг ватанпарварлиги, ўзбек халқининг ватанпарварлиги кўзга яққол ташланмоқда. Ўзбек халқининг бой тарихий меросига қилинадиган мурожаат, табиийки, ўша заҳоти бутун ўзбек халқи томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Шубҳасиз, битта миллат учун муқаддас ва кадрли бўлган нарсани бошқа миллат бирмунча бошқачароқ қабул қилиши мумкин. Шунинг учун жамоатчилик тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Ахир, неча ўн йилликлар давомида бизга, масалан, Амир Темур босқинчи, деб зўр бериб уқтириб келишган.

Шундай бўлса-да, ватанпарварлик тушунчаси, энг аввало, бизни ўзаро бирлаштириб турган халқ деб аталмиш битта умумий тушунчадан келиб чиқади. Бу умумий мустақил Ўзбекистон Республикаси манфаатларидир.

Муболаға эмас, русийзабон аҳолининг кўпчилиги Ўзбекистонга нисбатан ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан яшаяпти. Бу — Ўзбекистон ватанпарварлигидир. Мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеалар бизларни ҳам тўлқинлантирмоқда, бизларни ҳам ташвишга солмоқда. Кўпчилик ўзининг фуқаролик, ижтимоий бурчини бажаради.



Зиёд ДАВРОНОВ,

Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман партия кенгашининг биринчи котиби:

— Мен айтилган фикрларнинг аксарият қисмига қўшилган ҳолда ўз фикрларимни билдирмоқчиман. Ишимиз жараёнида турли тоифадаги кишилар билан учрашмоқдамиз. Учрашув ва суҳбатларда Президентимиз Ислом Каримовнинг ижодкорлар билан суҳбати жуда ўринли бўлганлигини таъкидламоқдалар. Президентимиз бу соҳада ҳам бошқа юртбошиларга қараганда узоқни кўра биладилар. Сабаби бошқа республикаларда ҳали бу масалага яқин ҳам келмаганлар, десак хато бўлмас.

Яқинда «Ўзбекистон овози»да берилган «Маънавий қадриятлар мажмуи» мақоласини синчиклаб ўқиб чиқдим. У менга маъқул бўлди, кўп нарсаларни ўйлашга мажбур қилди. Мафкурани ишлаб чиқишда партиямиз олдинги сафларда бораётганлигидан беҳад хурсандман. Марказий Кенгашнинг вилоятларда ўтказаётган учрашув ва йиғилишларида партия аъзоларининг фикр ва мулоҳазаларини эшитаяпмиз. Бу партиямизнинг нуфузини кўтаришга ҳам ёрдам беради.

Айтиш лозимки, биринчидан , мафкуранинг номини ҳам ўйлаб кўриш керак. Фақат ватанпарварлик мафкураси, десак торроқ бўлмасмикан. Иккинчидан, матбуотда баъзи кишилар бу масалада ҳам чет давлатлардан ўрганайлик, деган фикрларни билдирдилар. Шу тўғримикан? Менимча, ўз маънавиятимиз келажак авлодни тарбиялашда асосан етарли деб ўйлайман. Президентимиз ҳам «маънавий пойдеворимиз етарли», деб бежиз айтмадилар.

Ҳозирги кунда ҳам бутун мусулмон мамлакатлари (бошқалари ҳам) тажрибаси, ўтган бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Ат-Термизий, Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Алишер Навоий ва юзлаб ҳали бизга номаълум бўлган ўтмишдошларимиз пухта ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, янги мафкурамиз принципиал кишиларни тарбиялаб етиштирадиган бўлсин. Тарих шуни кўрсатаяптики, баъзи кишилар, айрим раҳбарларимиз ҳам тарозининг қайси томони оғир бўлса, шу томонда турадиган бўлиб чиқдилар. Бундайлар қийин пайтда ўз фикрларини қатъий айтолмаяптилар, ҳимоя ҳам қилолмайдилар.

Тўртинчидан, мафкуранинг мазмуни аниқ инсонга қаратилиши мавҳум бўлмаслиги лозим. Демак, у жамиятнинг кичик ячейкаси бўлган оилага меҳр-муҳаббатдан бошланиши керак. Ватанпарварлик, дўстга садоқат, ҳурмат-иззат, қадр-қиймат, мустақил ликка муносабат оиладан шаклланади.

Бешинчидан, истиқлол мафкураси ҳар бир шахсда жамиятга нисбатан лоқайдликни йўқотадиган мафкура бўлиши керак. Бундай мафкура онгига сингдирадилар. Ана шундагина илғор ғоялар моддий кучга айланади.

Бундай Ватанни чинакам ватанпарварлар қурадилар ҳамда уни барпо этиш йўлида асл ватанпарварлар авлоди шаклланади. Ватан — бу фақат ер, сув, тоғлар, боғлар, дарёлар, табиий бойликларгина эмас. Балки у, одамлар, улар ўртасида шаклланган муносабатлардир.

Атоқли шоир Ғафур Ғулом айтганидек:

Инсонга ҳурмат бу
ўзин танимак,

Муқаддас атамак
яшаган ерни...

Акмал САИДОВ:

— Бугунги қизғин, очиқчасига ўтган суҳбат айрим хулосаларга келишга имкон беради. **Биринчи хулоса** шундан иборатки, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш мустақил йўлимизнинг, амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг энг муҳим, ажралмас жиҳатларидан биридир. **Иккинчидан,** ҳар қандай мафкура бир кунда ёки бир ғуруҳ олимлару сиёсатчилар томонидан «кампаниябозлик» тарзида яратилмайди. У маълум тарихий давр мобайнида, зиддиятли жараёнлар натижасида шаклланади. Ҳар қандай мафкуранинг негизида халқнинг туб манфаатлари ва истаклари ётгандагина, у халқ мафкураси бўлади. Бунда биринчи ўринга шу мамлакат асосий аҳолисининг, миллатининг мафкураси чиқмоғи керак. Шунинг учун ҳам бизда ўзбек миллий манъавиятига асосий эътиборни қаратмоқ лозим. **Учинчидан,** маънавият бу ҳар қандай мафкурадан (сиёсий, миллий, ҳуқуқий, тарихий ва ҳакозо) кенг тушунчадир. Расмий мафкура халқ, миллат маънавиятидан йироқ бўлса, ҳеч қандай натижа бермайди. Маънавият мафкурани озиқлантирувчи булоқ манбадир.

Тўртинчи хулоса шуки, ватанпарварлик ҳар қандай мафкуранинг муҳим жиҳатидир. Чунки биз ҳар бир фуқаро, ўзбекистонлик учун мустақиллигимизни тўла ҳис этмоқ, мустақилликни эъзозламоқ, мустақиллик учун жон фидо қилмоқ миллатимиз, давлатимиз буюк келажагининг муҳим асосидир.

Давра суҳбатини Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Эркин ЭРНАЗАРОВ тайёрладилар.



Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори (ҳозир Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори):

Муҳокама этилаётган мавзунинг туб моҳиятини яхшироқ тасаввур этишимизга Алишер Навоийнинг:

...Ҳар кимки қилмиш
одамизод,
Тафаккур бирла билмиш
одамизод,

— деган сўзлари яхши ёрдам беради. Негаки, биз ҳозиргача модда, ижтимоий борлиқ бирламчи, онг эса иккиламчи, деб ҳисоблаб, ақлзаковат, маънавият, мафкура, дунёқараш каби омилларнинг аҳамиятини, уларнинг яратувчилик, бунёдкорлик хусусиятларини яхши тушуниб етмадик. Ахир, ҳар қандай киши бирон бир ишни бошлар экан, албатта, унинг режасини авваламбор ўз миясида шакллантиради. Шу билан бирга, ҳеч қачон қулба қуриш учун имконияти бор одам қаср қуришни режалаштирмайди.

Иккинчи томондан, модда, борлиқ бирламчи десакда, моддий, мулкий муносабатларни ўзгартирмадик, таки миллаштирмадик, уларни замонавий дунёқараш, сиёсий онг, ахлоқий маданиятнинг тағ-заминига айлантирмадик..

Бугунга келиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг истиқболини таъминлаш ҳудди мана шу масалаларни ҳал этишга тақалиб турибди. Зеро, миллион-миллион кишиларнинг ҳаётига, мамлакатнинг тақдирига дахлдор ишларни пухта ўйламай, шошма-шошарлик билан зинҳор амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, юксак маънавиятсиз, замонавий мафкурасиз ҳам жамият яшаши мумкин. Аммо, чинакам инсоний, адолатли жамиятни маънавиятнинг юксак даражасисиз қуриб бўлмайди. Бу ҳол зиёлиларимизга, олимларга, биринчи галда, жамиятшуносларга, сиёсатшуносларга алоҳида масъулият юклайди. Чунки, юксак маънавият, илғор мафкура ўз-ўзидан шаклланмайди. Уларни мутахассислар яратадилар ва муайян йўллар билан омманинг онгига сингдирадилар. Ана шундагина илғор ғоялар моддий кучга айланади.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуиларни муҳофаза этишнинг умумий ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари

Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонундан, шунингдек ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунлар, ер ости бойликлари тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўғрисидаги ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлардан иборат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

2-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари ноёб табиий мажмуиларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан; табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуидан аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чеклашдан иборатдир.

3-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар таърифи ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — бу ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар)нинг устивор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмларидир.

Табиат ранг-баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туришга, шунингдек шикаст етган табиий мажмуиларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари хўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча тортиб олиниши мумкин.

Табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир режалар ва дастурлар, ер тузилиши ва жойларни текислаш кесмалари ҳамда бошқа режаларни ишлаб чиқишда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобга олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга Қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат қўриқхоналари (шу жумладан биосфера қўриқхоналари), давлат миллий боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, давлат буюртма қўриқхоналари мақоми берилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт ва рекреация тегралари, ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё уватлари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма (оралиқ) тегралари, балиқ хўжалиги тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорий боғлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги башқа ҳудудлар ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга киради. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин.

4-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бўлган мулкчилик

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир.

Ботаника, дендрология ва ҳайвонот боғлари бошқа шаклдардаги мулк асосида ҳам ташкил этилиши мумкин.

5-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киради.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларида уларнинг мақсад-муддаосига зид фаолият тақиқланади.

Юқорида айтиб ўтилган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва ер тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Давлат қўриқхоналари, давлат миллий боғлари ер учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Алоҳида муҳофаза этиладиган бошқа табиий ҳудудлар ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ер учун ҳақ тўлашдан озод этилишлари мумкин. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти билан шуғулланилган ҳолларда ижара ҳақи ва ер солиғи ундириб олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари тортиб олинишига фавқулодда ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

6-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари, шунингдек бу ишга махсус ваколат қилинган давлат идоралари амалга оширадилар.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

7-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш тартиби

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмаси ёки табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасига мувофиқ барпо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмасини ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасини тасдиқлаши билан айни бир вақтда муҳофаза этишга тавсия этилаётган ер майдонини захиралаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар мазкур ҳудудда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти чекланади ёки тўхтатилади. Бундай ҳолларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар хўжалик фаолиятининг чекланиши ёки тўхтатилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида кўрилган йўқотиш ва талофотлар учун товон олиш ҳуқуқига эгадирлар ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланадилар.

8-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бу ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жуғрофий мавқеи, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастри мазкур ҳудудлар тармоғини режалаштириш, уларни муҳофаза этишни таъминлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш, тегишли қоидага риоя этилиши устидан давлат назорати даражасини ошириш, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштириш чоғида бу ҳудудлар ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри республика бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ягона тизим асосида юритилади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритишни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда амалга оширадилар.

9-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни йўлга қўйишда жамоат ташкилотлари билан фуқароларнинг иштироки

Жамоат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ва айрим фуқаролар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга оширишда давлат идораларига ҳамкорлик қиладилар.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш чоғида давлат идоралари жамоат ташкилотлари билан айрим фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар.

II БЎЛИМ. ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАЛАРИ

10-модда. Давлат қўриқхоналарининг таърифи ва вазифалари

Давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуилар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудидаги ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хўжалик фойдаланишидан тўлиқ ва бир умрга тортиб олинади ҳамда доимий фойдаланиш учун қўриқхоналарга бепул берилади. Давлат қўриқхоналари ерларини ижарага бериш тақиқланади.

Ҳудуди табиий ландшафтларнинг хос бўлакларидан иборат бўлган ва белгиланган тартибда биосфера қўриқхоналарининг халқаро шохобчасига киритилган давлат қўриқхоналари биосфера давлат қўриқхоналари мақомига эгадир.

Давлат қўриқхоналари зиммасига:

муҳофаза остига олинган бутун табиий мажмуини табиий ҳолатда асраш;

илмий тадқиқотлар ўтказиш;

рўёбга чиқарилганда қўриқхоналар ва муҳофаза этилаётган теграларнинг табиий мажмуига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари ҳамда уларни жойлаштириш кесмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;

экологик билимларни тарғиб этиш вазифалари юкланади.

11-модда. Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш тартиби ва уларни бошқариш

Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади.

Давлат қўриқхоналарини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган идоралар томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир қўриқхона қайси идоранинг тасарруфида бўлса, шу идора Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайдиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

12-модда. Давлат қўриқхоналарининг мақоми ва маблағлари

Давлат қўриқхоналари юридик шахс бўлиб, республика бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, ўз номида ва Ўзбекистон Республикаси давлат герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат қўриқхоналарининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидан иборат маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан;

илмий, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятдан келадиган даромадлардан;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолияти натижасида давлат қўриқхонасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тушумларидан;

маъмурий ва суд йўли билан ундириб олинадиган жарима пулларидан;

овчилик ва балиқчиликнинг мусодара этилган асбобларини, ноқонуний ўлжа қилинган маҳсулотларни сотишдан олинган пуллардан;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек фуқаролардан бегараз ёрдам тарзида келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат қўриқхоналари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тасарруф этадилар.

13-модда. Давлат қўриқхоналарининг иш тартиби

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида қўриқхоналар мақсадларига зид бўлган, табиий жараёнларнинг ўзича ривожланишига путур етказадиган ёки табиий мажмуи ва объектлар ҳолатига таҳдид соладиган ҳар қанақа хўжалик, рекреация ва бошқа йўсиндаги фаолият тақиқланади.

Қўриқхоналарнинг ҳудудларида ва уларнинг қўриқланма теграларида иқлимлаштириш мақсадида ўсимликлар ва жониворлар турларини ва хилларини жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарида улар тўғрисидаги тасдиқланган низомга мувофиқ ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишга йўл қўйилади.

Қўриқхоналарнинг ёки уларга мутасаддилик қилувчи идораларнинг ходими бўлмаган фуқароларнинг қўриқхоналар ҳудудида бўлишига уларда ана шу идоралар ёки қўриқхона маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

14-модда. Давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот фаолияти

Илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва ўтказиш учун давлат қўриқхоналари ўз илмий ходимлар штати билан таъминланади. Илмий тадқиқотлар шунингдек чет илмий ташкилотларни ва айрим мутахассисларни жалб этиш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин. Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгаши (илмий кенгаш) тузилади.

«Табиат солномаси»ни юритиш барча давлат қўриқхоналари учун мажбурийдир.

Давлат қўриқхоналарининг илмий жамғармаларини сақлаш муддати чегараланмайди.

Давлат қўриқхоналарига илмий асарларни нашр этиш ҳуқуқи берилади.

Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси мувофиқлаштириб боради.

III БЎЛИМ. ДАВЛАТ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒЛАРИ

15-модда. Давлат миллий табиат боғларининг таърифи ва вазифалари

Давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг ҳудудлари (акваторийлари) алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуиларни қамраб олади.

Давлат миллий табиат боғлари ҳудуди давлат миллий боғларига эгалик қилиш ёки улардан фойдаланиш учун бериладиган ерларда, шунингдек бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларида жойлашади.

Давлат миллий табиат боғларига:

рекреация, маърифий ва илмий мақсадларда фойдаланиш учун табиий мажмуилар ва тарихий-маданий меросларни асраб қолишни таъминлайдиган иш тартибига риоя этиш;

шикаст етган табиий мажмуиларни тиклаш;

тарих, маданият, меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш;

туризм, экскурсия ва дам олиш учун шароит яратиш;

экология билимларини тарғиб қилиш;

захираларни тежайдиган, экологик жиҳатдан соф технологияларни қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши ва бошқа фаолиятда ишлатишга жорий этишга кўмаклашиш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилади.

16-модда. Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тартиби ва уларни бошқариш

Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб киритган тақдимига кўра қабул қилади.

Давлат миллий табиат боғларини бошқариш улар фаолияти табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қайси вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфида бўлса, шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир миллий боғ қайси идора тасарруфида бўлса, шу идора тасдиқлаб берадиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

17-модда. Давлат миллий табиат боғларининг мақоми ва маблағлари

Давлат миллий табиат боғлари юридик шахс бўлиб, давлат бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, ўз номида ва Ўзбекистон Республикаси герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат миллий табиат боғларининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан;

рекреация, туризм-экскурсия, реклама-ноширлик, ва ушбу Қонун ҳамда Миллий боғлар тўғрисидаги низомда рухсат этилган бошқа фаолиятдан келадиган даромадлардан;

давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотларидан, қўшма корхоналар, ажнабий ва халқаро ташкилотлар ҳамда хусусий шахслардан келадиган пул маблағлари ва моддий бойликлардан;

давлат миллий табиат боғларини муҳофаза этиш қоидасини бузувчилардан белгиланган тартибда ундириб олинадиган жарима пуллардан иборат тушумлардан;

корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг фаолияти натижасида давлат миллий табиат боғига етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳисобидан келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат миллий табиат боғлари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тасарруф этадилар.

18-модда. Давлат миллий табиат боғларининг иш тартиби

Давлат миллий табиат боғларининг ҳудудларида табиий мажмуи ва объектлар ҳолатини, уларнинг рекреация, маданий ва эстетик қимматини инобатга олган ҳолда муҳофаза этиш ва улардан фойдаланишнинг табақалаштирилган тартиби белгилаб қўйилади.

Давлат миллий табиат боғларининг теграсида давлат қўриқхоналари ҳудудлари учун назарда тутилган тартибдаги қўриқ тералари, рекреация, хўжалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш тералари, тарихий-маданий объектларнинг муҳофаза тералари ажратиладики, уларда давлат миллий табиат боғлари вазифаларига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланилади.

Давлат миллий табиат боғларининг ҳудудида:

дарахт кесишга (санитария мақсадидаги ва парваришлар йўсинидаги кесиш бундан мустасно);

экологик жиҳатдан хавфхатар туғдирувчи саноат корхоналарининг фаолият олиб боришига;

гидрологик ва гидрогеологик тартибни ўзгартириб юборувчи ҳаракатларга;

тупроқ эрозиясини, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатларга;

давлат миллий табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишлари олиб боришга;

кимё ва радиоактив моддаларнинг чиқиндиларини кўмишга;

иқлимлаштириш мақсадида тирик организмларни кўчириб келтиришга йўл қўйилмайди.

Давлат миллий табиат боғларида улар ҳудудининг табиий, илмий, эстетик ва маданий қиммати пасайишига олиб келувчи бошқа фаолият турлари тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Боғнинг расамади билан фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникация ва иншоотлар қуриш зарур бўлиб қолган ҳолларда шикаст топган ерларни маданийлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуини ўтказиш мажбурийлиги назарда тутилади.

IV БЎЛИМ. ДАВЛАТ БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАЛАРИ ВА ДАВЛАТ ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ

19-модда. Давлат буюртма қўриқхонаси тушунчаси ва бундай қўриқхонани ташкил этиш

Давлат буюртма қўриқхоналари табиий мажмуиларни ёки уларнинг айрим бўлакларини асраш, кўпайтириш ва тиклаш мақсадида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур муддатга ажратиб бериладиган ҳудудлар (акваторийлар)дир.

Давлат буюртма қўриқхоналари республика ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Буюртма қўриқхоналар вазифасига кўра:

алоҳида қимматга эга бўлган табиий ландшафтлар ва мажмуиларни асраш ва тиклаш учун мўлжалланган ландшафт (яхлит) буюртма қўриқхоналарга;

қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва жониворлар турларини асраб қолиш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналарга;

айрим қазилма бойликлар ва уларнинг мажмуини асраб қолиш учун мўлжалланган палентологик буюртма қўриқхоналарга;

жонсиз табиатнинг қимматли объектлари ва мажмуиларини асраб қолиши учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналарга;

табиат яратган нодир ва ноёб рельеф шаклларини асраб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик буюртма қўриқхоналарига;

нодир геологик ва минералогик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналарга бўлинади.

Ноёб минерал ва ўзга хил геологик тузилмаларга эга бўлган ҳамда фундаментал илмий аҳамиятга молик геологик буюртма қўриқхоналарга давлат қўриқхонаси мақоми берилиши мумкин.

Буюртма қўриқхоналар фаолият муддатлари кўрсатилмай (муддатсиз), 5 йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли) ёки 5 йилдан кам муддатга (қисқа муддатли) қилиб ташкил этилади.

Республика аҳамиятига молик давлат буюртма қўриқхоналарини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташкил этади.

Маҳаллий аҳамиятга молик давлат буюртма қўриқхоналари табиатни муҳофаза этиш идораларининг тақдимига кўра вилоят ҳокимларининг қарори билан ташкил этилади.

20-модда. Давлат буюртма қўриқхоналарининг иш тартиби

Давлат буюртма қўриқхоналари деб эълон қилинган ҳудудлар уларни хўжалик мақсадларида истифода этаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан тортиб олинмайди.

Ерида давлат буюртма қўриқхоналари ташкил этилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат буюртма қўриқхонаси белгилайдиган тартибга риоя этишлари шарт.

Давлат буюртма қўриқхоналарининг ҳудудларида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифаларга зид бўлган фаолиятнинг ҳар қанақа тури тўхтатилади ёки чеклаб қўйилади.

Ҳар бир давлат буюртма қўриқхонасининг аниқ вазифалари ва иш тартибининг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишиб туриб ишлаб чиқиладиган ҳамда давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган идора тасдиқлайдиган низомда белгилаб қўйилади.

21-модда. Давлат табиат ёдгорликлари

Экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиат объектларини давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза этиш бўйича давлат идоралари тақдимига биноан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қиладилар.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан улар эгаллаб турган ер участкаларини тортиб олмай туриб ҳам объект давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилинишига йўл қўйилади.

Давлат табиат ёдгорликлари жойлашган ҳудудда уларни асраб қолишга таҳдид этувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш тартибини таъминлашга оид мажбуриятлар бу ёдгорликлар қайси корхона, муассаса ва ташкилот ҳудудида бўлса, шу корхона, муассаса ва ташкилот зиммасига юкланади.

Табиий объектни давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган идора объектни муҳофаза остига ўтказиш ва муҳофаза этиш мажбуриятини расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Аҳоли диний мақсадларда фойдаланиб турган давлат табиат ёдгорликлари уларни муҳофаза этиш ва ободонлаштириш ишлари ўтказиш мақсадида давлат табиат ёдгорлигини асраб қолиш шарти билан диний ташкилотларга ёки алоҳида шахсларга фойдаланиш учун ёҳуд ижарага берилиши мумкин.

V БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ЎЗГА ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР

22-модда. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) ва уларни ташкил этиш

Дарёларнинг, кўлларнинг, сув омборларининг, каналларнинг, коллекторларнинг ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ ҳудуд сувни муҳофаза қилиш теграси деб эътироф этилади ва бу ҳудуд учун ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ нураши маҳсуллари бўлмиш лойқа билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув маромини сақлаб туриш учун махсус тартиб-қоида белгилаб қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)нинг иш тартиби ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё уватлари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари)га ҳам тааллуқлидир.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тартибга мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идораларининг тақдимига биноан белгиланади.

Давлатлараро дарёлардаги сувни муҳофаза қилиш тегралари манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган шартномаларга биноан белгиланади. Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва ер текислаш чоғида сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) барпо этишга доир масалалар табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари билан келишиб олиниши лозим.

23-модда. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)нинг иш тартиби

Сувни муҳофаза қилиш теграси доирасида сув объектларини ёқалаб хўжалик фаолияти юритиш қатъий чекланган ҳудуддан иборат қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади.

Сувни муҳофаза қилиш теграси доирасида аҳоли пунктларидаги аҳолининг ичиши ва рўзғорда фойдаланиши учун сув тўплаш мақсадида сув объектларини ёқалаб санитария муҳофазаси минтақаси, белгиланиб, унда ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш ман этилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) доирасида чекланган хўжалик фаолияти юритишга йўл қўйилади. Сувни муҳофаза қилиш теграсида:

бута-дарахтларни кесиш (санитария мақсадидаги ва парвариш йўсинидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддалар қўлланиши, заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборлари қуриш ҳамда бундай модда ва ўғитларни сақлаш;

канализация-тозалаш иншоотлари ва оқова сувлар тўпланадиган турли хил иншоотлар қуриш;

чорвачилик комплексларини, аҳлат, ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланадиган, кўмиладиган жойларни жойлаштириш, шунингдек суғоришда «шарбат» (суюқ гўнг) ишлатиш;

автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қуйиш, уларни ювиш ва таъмир қилиш жойларини ташкил этиш;

нефть маҳсулотлари сақланадиган омборхоналарни жойлаштириш;

зиғир, каноп ва тери ювиладиган жойлар ташкил этиш ман қилинади.

Дарё ўзанларини ўзгартириш, фойдали қазилмалар кавлаб олиш ва сув захиралари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ишлар бажаришга фақат сув хўжалиги, сувни муҳофаза қилиш ва геология идораларининг рухсати билангина йўл қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш теграларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби ҳамда шартларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

24-модда. Курорт табиий ҳудудлар ва уларни ташкил этиш

Даволаш ва саломатликни тиклаш хусусиятларига, минерал манбаларга, даволовчи балчиқ қатламларига, қулай иқлим шароитлари ва бошқа шарт-шароитларга эга бўлган табиий ҳудудлар курорт табиий ҳудудлар деб эътироф этилади.

Курортлар маҳаллий ва республика аҳамиятига молик бўлиши мумкин.

Республика аҳамиятига молик курортларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилган қарорлари билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курортлар давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилган қарорлари билан ташкил этилади.

25-модда. Курорт табиий ҳудудларнинг иш тартиби

Курорт табиий ҳудуд уч теграга бўлинади. Даволаш хусусиятига эга манбалар, даволовчи балчиқ қатламлари бор ҳудуд биринчи теграга киради. Бундай теграда ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ман этилади, даволаш хусусиятига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналари теварак-атрофини ободонлаштириш учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно.

Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйларининг дам олувчилар хордиқ чиқарадиган манзиллари, улар даволанишни ва яшаши учун қурилган биноларнинг жойлашган ҳудуд иккинчи теграга киради. Бу теграда хўжалик фаолияти юритиш ман этилади, даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолият бундан мустасно, шунингдек бу ҳудудда вақтинча истиқомат қиладиган тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши ман этилади.

Санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларига туташ ҳудуд учинчи теграга киради. Бу теграда даволаш манбаларига зиён етказмайдиган ҳамда атроф муҳитга зарарли жисмоний таъсир этиш ва ифлослантириш йўли билан дам олиш ҳамда даволаниш учун яратилган шароитларни ёмонлаштирмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади. Бундай курорт табиий ҳудудлар доирасида:

фойдали қазилмаларни кавлаб чиқариш;

дарахт кесиш (санитария мақсадидаги ва парваришлаш йўсинидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборлари қуриш;

заҳарли кимёвий моддалар қўллаш;

ахлат тўкиладиган, кимёвий ва радиоактив моддаларнинг чиқитлари кўмиладиган жойларни жойлаштириш, кимё, целлюлоза-қоғоз, металлургия саноати корхоналарининг иш олиб бориши;

жойнинг гидрология маромини ўзгартирувчи ишлар бажариш қатъиян ман этилади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошн 3-бетда).

26-модда. Рекреация тегралари

Туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жуғрофий ва иқлим шароитларига эга ҳудудлар рекреация тегралари деб эътироф этилади.

Рекреация тегралари давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномасига биноан қабул қилган қарори билан ташкил этилади.

Рекреация теграларида оммавий дам олиш ва туризм манфаатларига зид келмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади.

Рекреация теграларида кимё, металлургия, микробиология корхоналари ва ташкилотларининг фаолият кўрсатиши, пестицидларни қўлланиши, ҳаром ўлган чорва моллар қўмиладиган, кимёвий ва радиоактив моддалар, рўзғор ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланадиган ва кўмиладиган жойларни жойлаштириш, дарахт кесиш (санитария мақсадидаги ва парваришлаш йўсинидаги кесиш бундан мустасно), жойнинг гидрологик маромини бузадиган ишлар бажариш ман этилади.

27-модда. Ботаника боғлари

Ботаника боғлари ботаника термалари тузиш, тўлдириш ва асраш, илмий, ўқув ва таълим ишлари олиб бориш йўли билан маҳаллий миқёсдаги ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуиларининг нодир ва муайян турқумга хос турларини махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш, иқлимлаштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ботаника боғлари табиатни муҳофаза қилиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик ботаника боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ер майдонлари барча табиий захиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, ботаника боғларига берилади.

Ботаника боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда ўсимликлар мажмуи термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

28-модда. Дендрология боғлари

Дендрология боғлари илмий, маданий рекреация ва бошқа йўсинда ғоят самарали фойдаланиш учун дарахтлар ва буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дарахтзорлар-бутазорларни махсус яратилган шароитда асраш ва ўрганиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик дендрология боғлари табиатни муҳофаза этиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик дендрология боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ер майдонлари барча табиий захиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, дендрология боғларига берилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда дендрология термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида ботаника боғлари учун белгиланган талабларга мувофиқ тегралаш ишлари ўтказилиши мумкин.

29-модда. Қўриқланма (оралиқ) тегралар

Қўриқланма (оралиқ) тегралар давлат қўриқхоналарига, давлат миллий табиат боғларига, давлат буюртма қўриқхоналарига, давлат табиат ёдгорликларига ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга бўладиган салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида чекланган хўжалик фаолияти юритилувчи ҳудудни қамраб олади.

Қўриқланма (оралиқ) тегрода хўжалик фаолияти ва табиатдан фойдаланишнинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсир келтириб чиқарувчи турлари билан шуғулланиш ман этилади.

Қўриқланма (оралиқ) теграларнинг катта-кичиклиги ва уларнинг иш тартиби алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгилаб қўйилади.

30-модда. Ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари

Бағоят қимматли ва нодир ўсимликлар турларининг ирсий фондини муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек ўрмон фонди майдонларида давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари белгилаб қўйилади.

Ўрмонларнинг тақиқланган минтақаларини давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги идоралари тақдимига биноан белгилайдилар.

31-модда. Ҳайвонот боғлари

Ҳайвонот боғлари экологик таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни тутқунликда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида барпо этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ҳайвонот боғлари маданий-маърифий йўналишдаги табиатни муҳофаза қилиш муассасалари ҳисобланади.

Ер майдонлари барча табиий заҳиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, ҳайвонот боғларига берилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда ўсимликлар мажмуи термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида улар олдига қўйилган вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

ҳайвонларни бир жойда асраш ва улардан маданий ҳамда билимни ошириш мақсадларида фойдаланиш учун экспозиция теграси;

сарҳадида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган илмий тегралар (бундай теграга киришга рухсат ҳайвонот боғининг маъмурияти белгилаб қўядиган тартибда берилади);

ҳайвонот боғи томошабинларининг дам олиши ва уларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун рекреация теграси;

ёрдамчи хўжалик объектларини жойлаштириш учун хўжалик теграси ажратиб берилади.

Ҳайвонот боғлари жониворларнинг кўчма экспозицияларини ташкил этишлари, жониворларни озуқа билан таъмин этиш мақсадида барпо этиладиган ёрдамчи хўжаликларга эга бўлишлари мумкин.

32-модда. Балиқ хўжалиги тегралари

Нодир, йўқолиб бораётган балиқ турлари ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза этиш ва қўпайтириш мақсадида, шунингдек балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектлари ёки уларнинг бир қисми балиқ хўжалиги тегралари деб эълон қилиниши мумкин.

Сув объектларининг балиқ хўжалиги теграларидаги иш тартиби табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Балиқ хўжалиги теграларида балиқлар ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни кўпайтириш билан боғлиқ шароитларга зарар етказувчи ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ман этилади.

VI БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

33-модда. Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилиш

Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилишни махсус табиат ҳудудларини муҳофаза қилиш инспекцияси амалга оширади ва бу иш давлат қўриқхонаси тўғрисидаги ёки давлат миллий табиат боғи ҳақидаги низом билан тартибга солинади.

Муҳофаза қилиш ходимлари давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғлари штатида турадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторларига хос барча ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

34-модда. Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш

Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари қайси корхона, муассаса ва ташкилотнинг ер майдонида жойлашган бўлса, ана шу корхона, муассаса ва ташкилот амалга оширади.

Башарти давлат буюртма қўриқхонаси ёки давлат табиат ёдгорлиги тасарруф этиш ёхуд фойдаланиш учун берилмаган ер майдонида жойлашган бўлса, у ҳолда бундай қўриқхона ёки табиат ёдгорлигини муҳофаза қилишни у қайси идоранинг қарамоғида бўлса, ана шу идора таъминлайди.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат буюртма қўриқхоналари ҳамда давлат табиат ёдгорликлари муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ҳолларда давлат буюртма қўриқхонаси ва давлат табиат ёдгорлиги эгаллаб турган ер майдони ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш учун зарур унга туташ ҳудуд ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Агар давлат табиат ёдгорлиги муайян ердан фойдаланувчи, ер эгаси ёки сувдан фойдаланувчига бириктириб қўйилмаган ер майдонида ёки сув объектида жойлашган бўлса, уларнинг муҳофаза қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари томонидан таъминланади.

35-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш

Сувни муҳофаза қилиш минтақаларини (теграларини) муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари томонидан таъминланади. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) таркибига кирувчи ерлар чекланган хўжалик фаолияти юритиш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга улар эгалигига, фойдаланишига бириктириб қўйилаётган ёки ижарага берилаётган ҳолларда сувни муҳофаза қилиш минтақаларини (теграларини) муҳофаза қилиш вазифаси мазкур корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар зиммасига юкланади.

Сув объектларининг санитария муҳофаза тегралари ички ишлар идоралари томонидан муҳофаза этилади.

Курорт табиий ҳудудларни ва рекреация теграларини муҳофаза қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари томонидан, табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан таъминланади.

Ботаника боғларини, дендрология боғларини ва ҳайвонот боғларини муҳофаза қилишни уларнинг маъмуриятлари таъминлайдилар.

Қўриқланма (оралиқ) теграларни муҳофаза қилишни ҳудудида қўриқланма (оралиқ) тегралар жойлашган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар таъминлайдилар. Қўриқланма (оралиқ) теграларнинг ҳудуди корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга берилмаган ҳолларда бу теграларни муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан таъминланади.

Ўрмонларнинг тақиқланган минтақаларини муҳофаза қилишни ўрмонни муҳофаза қилиш идоралари таъминлайдилар.

Балиқ хўжалиги тегараларини муҳофаза қилишни мазкур сув объектида балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш идоралари таъминлайдилар.

VII БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРГА ДОИР МУНОСАБАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

36-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар суд ёки хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги табиий заҳиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низолар ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунларда, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкий низолар қонунларда белгиланган тартибда суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

VIII БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

37-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузганлик учун жавобгарлик

Қуйидаги ҳолларда:

табиат-қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва улар ишини йўлга қўйиш лойиҳаларининг талабларини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган теграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолиятини йўлга қўйганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартибини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва ўзга хил таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганликда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талабларини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуилари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойларни бузганликда, уларга шикаст етказганликда ёки уларни йўқ қилганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегарасини ўзбошимчалик билан ўзгартирганликда, бундай ҳудудларни ўз билгича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий ва ўзга хил жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўзга юридик ва жисмоний шахслар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузиш орқали етказган зарарларнинг ўрнини қонунларда белгиланган ҳажмда ва тартибда қоплашга мажбурдирлар.

38-модда. Корхоналар, ташкилотлар, цехлар, қурилмаларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш, чеклаб қўйиш, ўзгартириш ва тугатиш

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига зарарли таъсир ўтказаётган корхоналар, ташкилотлар, цехлар, қурилмаларнинг фаолияти зарарли таъсир кўрсатаётган манбалар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда уларнинг муҳофаза қўриқланма тегралари ташқарисидаги манбалар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади ёки чеклаб қўйилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилаётган зарарни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, корхона, ташкилот, цех ва қурилмаларнинг фаолияти тўхтатилади ҳамда уларнинг фаолият йўналиши ўзгартирилганидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсири албатта бартараф қилинганидан кейингина фаолиятлари амалдаги қонунларга мувофиқ қайта тикланиши мумкин.

IX. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ВА БИТИМЛАР

39-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бобида ўзга қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисмлари қўлланилаверилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришга онд таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари ушбу Қонунга зид келадиган ўз меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

Ойимхон ШОМУРОТОВА

Республикамиз санъати оғир жудоликка учради. Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг асл фарзанди, театр ва қўшиқчилик санъатимизнинг ёрқин юлдузларидан бири Ойимхон Шомуротова 1993 йил 29 май куни узоқ хасталикдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Ойимхон Шомуротова 1917 йилда Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот туманида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. 14 ёшидан Кўнғирот жамоа хўжалиги театрида артистлик фаолиятини бошлаган, Ойимхон Шомуротова 1932 йилда Қорақалпоқ давлат театрига таклиф этилади. Ноёб истеъдод эгасининг деярли 60 йиллик ижоди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театри билан узлуксиз боғлиқ бўлди.

Ойимхон Шомуротова театр саҳнасида С. Мажидовнинг «Боғдагул» мусиқали драмасида Боғдагул, К. Яшиннинг «Гулсара» мусиқали драмасида Ойсара, П. Тлегеновнинг «Бекжон фожиаси» тарихий драмасида Бибижон, Н. Давқораевнинг «Алпомиш» мусиқали драмасида Гулпарчин, Ч. Айтматовнинг «Момо ер» қаҳрамонлик драмасида Тўлғаной, Ж. Оймирзаевнинг «Равшан» мусиқали драмасида Равшан каби юздан ортиқ аёллар баркамол сиймосини яратди.

Ойимхон Шомуротованинг саҳна маҳорати Қорақалпоқ халқ мусиқаси ва замонавий қўшиқчилигининг илғор анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ойимхон Шомуротова нафақат Қорақалпоғистон шаҳар, қишлоқ ва овулларида, балки бошқа республикаларда ҳам юксак истеъдодини, қорақалпоқ санъатини муносиб намойиш эта олган улкан саҳна устасидир. Ойимхон Шомуротованинг қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг абадий қардошлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашдаги хизматлари алоҳида ҳурматга сазовор.

Ойимхон Шомуротованинг меҳнати халқларимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Қорақалпоғистон халқ артисти», «Ўзбекистон халқ артисти», «СССР халқ артисти» унвонларига ва бошқа бир қанча мукофотларга мушаррафбўлган эди.

Улкан санъаткор, ажойиб инсон, халқларимизнинг ардоқли фарзанди Ойимхон Шомуротованинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

И. Каримов, А. Муталов, У. Аширбеков, М. Умурзоқов, Р. Йўлдошев, М. Қорабоев, Э. Ҳайитбоев, Б. Қориева, Ҳ. Носирова, С. Эшонтўраева, Ж. Оймирзаев, Т. Қаипбергенов, И. Юсупов.

Ўзбекистон овози

ЖАРЧИНОМА

ВТ-23 махсус телескопик минора ўрнатилган 1991 йилда Москва шаҳрида чиқарилган ЗИЛ-131 юк автомобилини (бор-йўғи 4000 км. юрган) «Волга» ГАЗ-24-10. «Жигули» ёки «Москвич»-412 (4121) енгил автомашиналарига АЛМАШТИРИЛАДИ.

Манзилгоҳимиз: Наманган вилояти, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 51-уй. «Барион» заводи. Инд: 717200. Телефон: 31-701, Телетайп: 258712, «Восток».

ТАВСИЯ ЭТАДИ:

«АВ и ЭМ» илмий ишлаб чиқариш ва тижорат кичик корхонаси шакар ишлаб чиқарадиган

КИЧИК ҚУВВАТЛИ ҚАНД ЗАВОДИНИНГ техник лойиҳа ҳужжатларини таклиф этади. Машина ва ускуналар ясалиши устидан назоратни ва маслаҳатларни ўз зиммасига олади.

Буюртмачининг талифига кўра завод машина-ускуналарини учинчи ташкилотларда тайёрлаб беришни ҳам амалга оширади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Янгиобод шаҳри Ҳокимият биноси 22-хона.

Телефон: Ангрен шаҳрида (код 266) 21-038.

Тунда кўриш прибори, «Зенит—ЕТ» фотоаппарати сотилади.

Телефон: 34-16-23.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Фанлар академиясининг тилшунослик институти жамоаси институтнинг собиқ илмий ходими Ҳалима Йўлдошевага отаси

Исроил ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзагроқурилиш» Республика ишлаб чиқариш давлат-ширкат қурилиш бирлашмаси жамоаси 2-Қашқадарё вилоят агроқурилиш трести бошқарувчиси Ҳ. Қ. Тожиевга онаси

Маъмура БАРАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг маданий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ва Ойбек уй-музейи меҳнат жамоалари уй-музейининг хазинабони З. Қ. Олимбековага онаси

Марям ИСОМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти, «Физика» таҳсилгоҳи жамоаси катта ўқитувчи Р. Муллажоновага турмуш ўртоғи

Эркин МУЛЛАЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзагроқурилиш» Республика ишлаб чиқариш давлат-ширкат қурилиш бирлашмаси жамоаси 2-Андижон вилоят агроқурилиш бирлашмаси бошлиги М. Содиқовга онаси

Озодахон АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги республика миқёсидаги шахсий нафақахўр, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Рустам ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 33-38-55.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

Навбатчи муҳаррир: Р. АҲМАДАЛИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.

Хажми 2 босма табоқ, тиражи 165.126 нусха.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 19.30.

Г—274. № 103.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.